

Date: 1st November-2025

**СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ ВА ЎПКА ТУБЕРКУЛЁЗИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА
ЖИГАР ТЎҚИМАСИДАГИ ЯЛЛИҒЛАНИШ ВА ФИБРОЗ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

Йитмасова Тухфа Давлатовна ³

yitmasova.tohfa@bsmi.uz

Бухоро давлат тиббиёт институти Абу Али Ибн Сино Номидаги

Тезис:

Жигар касалликлари ва ўпка туберкулёзи бир вақтнинг ўзида кечган ҳолатларда организмдаги яллиғланиш ва фиброз жараёнларининг мураккаб ўзаро таъсири кузатилади. Ушбу тадқиқотда сурункали гепатит билан оғриган ва туберкулёз инфекцияси клиник ҳамда лаборатор усулларда тасдиқланган 122 нафар бемор ҳамда 30 нафар соғлом шахс таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг асосий мақсади — жигар фиброзининг биокимёвий кўрсаткичлари, хусусан коллаген III ва IV турлари даражасини аниқлаш орқали фиброгенез жараёнини баҳолаш ва унинг яллиғланиш даражаси билан боғлиқлигини ўрганишдан иборат бўлди. Қон таҳлиллари беморларда анти-туберкулёз терапия бошланишидан олдин олинди.

Олинган натижаларга кўра, сурункали гепатит ва туберкулёз биргаликда кечган беморларда коллаген фракциялари миқдори соғломларга нисбатан сезиларли ошган бўлиб, бу жигар тўқимасидаги яллиғланиш ва фиброз жараёнларининг фаоллашуvidан далолат беради.

Шу билан бирга, биокимёвий кўрсаткичлар фиброз босқичи ва касаллик давомийлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқ экани аниқланди. Бу эса коллаген III ва IV даражаларини жигар шикастланишининг эрта диагностик белгиси сифатида қўллаш имконини тасдиқлади.

Калит сўзлар: сурункали гепатит, туберкулёз, жигар фибрози, яллиғланиш, коллаген, фиброгенез, биокимёвий кўрсаткич, диагностика.

